Жорий харажатлар таркиби

Тўла таннархга кирадгина харажатлар таркибини кўриб чиқамиз. Ноишлаб чиқариш сарфлари $C_{\text{вр}}$ қуйидагилардан ташкил топади:

- *махсулотни реализация қилиш сарфлари*
- *буюмни стандартлаштириш сарфи*
- *айрим юқори ташилотлар ҳисобига ажратмалар*
- *янги техникани рағбатлантиришга ажратмалар*
- *хамда бошқа турдаги харажатлар*

Автоматик линия ёки дастгоҳда бажариладиган операциялар учун $C_{\text{вр}}$ нинг шу операцияга тегишли қисминигина инобатга олинади. Мукофотлар учун ажратмалар ойлик иш ҳаққининг 1% атрофида олинади.

$$C_{\text{вр}} = \frac{4C_{\phi}}{100} + \frac{C_3}{100} ; \quad (25)$$

Бу ерда C_3 – асосий ва ёрдамчи ишчиларнинг ойлик иш ҳаққи

Материал сарфлари

$$C_m = q_n ЦК_{ТЗ} - q_0 Ц_0 \quad (26)$$

Материал сарфлари донали вақтга пропорционал эмас. Шунинг учун уларни эорий ҳисоблашлардан чиқариб ташлаш мумкин. Амортизацияга бўлган сарфлар $C_{ант}$ ташиш ва юклаш тушириш жихозларининг сарфларига ва уни модернизацияга бўлган сарфлари. $C_{пнт}$ қуйидагича аниқланади.

$$\text{Ўлчов асбобларига бўлган сарфлар } C_{им} = \sum \dots \quad (26)$$

Бу ерда $C_{им}$ битта дастгоҳ асбоблар комплектининг ишлатиш сарфлари йиғиндиси.

Тўла таннархнинг инобатга олинадиган барча харажатлари донали вақтга пропорционал бўлади. Бу ерда кесувчи асбоб ва электр энергияга бўлган сарфлар бундан истисно. Кесувчи асбобга бўлган харажатлар кесиш вақтига тзғри пропорционал ва чидамлик даврига тескар пропорционал яъни капитал қўйилмаларга ўхшаш бўлади. Электрэнергияга бўлган харажатлар бу вақтда ишлайдиган асбоблар сарфига боғлиқ бўлмаган сонига кесиш вақтига пропорционал бўлади. Кесишга кетадиган қувват асбоблар сони ортиши билан ўсади. Буни белгиланган қувват N_y билан таққослашда инобатга олиш керак. Кўриниб турибдики, бу хил шароитларда ва ҳисоблашлар учун оптималлик мезони қўлланилганда натижалар $C_{СТ}$ доимий таъсирида ўзгариши мумкин холос. Баҳолаш функцияси қуйидагича бўлади:

$$C_n = C_{СТ} + C_3 t_p + \dots \quad (27)$$

Донали вақт бўйича баҳолаш функцияси минимум ва унинг ўзгарувчан қисмига мос келадиган режимлар, умумий ҳолда турлича бўлиши керак. Чунки C доимийнинг донали вақтга ва донали вақтнинг ўзгарувчан улушига кўпайтмаси бир хил эмас.

Оптимальлик мезони тузилмасининг оптимумга эришиш методига таъсири

n ва s параметрлар қийматининг ортиши билан асосий баҳолаш функциясининг биринчи хади камаяди. Бир вақтнинг ўзида иккинчи хаднинг катталиги вақесувчи асбобни чидамлилиги камаяди.

Эркин юритмали кўп позицияли дастохда ишлов беришда кўп позицияли режимни созлаш қуйидагича ифодаланади:

$$C_M = \frac{l_\Lambda}{n_\Lambda s_\Lambda} (C + \dots) \quad (28)$$

Бу холда номаълумлар сони ортади. Чунки дастгохларнинг кинематик имкониятлари ортади ва хар бир позиция учун кесиш параметрларининг қийматларини зарурати юзага келади. Каллакнинг босқичма-босқич шлашдаги тузилмаси қуйидагича:

$$C_{\Pi} = C \sum_{i=1}^2 t_{pi} + \dots$$

бир вақтдаги ишлаш учун эса

$$C_{\Pi} = C t_{p\Lambda} + C \sum_{i=2}^2 \dots$$

Конкрет учун кесиш режимларини танлаш масаласининг ечимга киришлар экан асосий баҳолаш функциясининг тузилмасини тўғри ёзиш керак. Тузилмага мувофиқ ва тавсия этилган қоидаларга мувофиқ оптималлаш методи танланган.

Кесувчи асбоб сифатини иқтисодий тахлили.

Меъерий кесиш режимларидан ҳар қандай чекланишлар айниқса, паст тезликлар зонасида агар меъерий ҳужжатларда акс этган формула бўйича ҳисобланмаса, асбобнинг ҳақиқий чидамлилигини олишга кафолат йўқ. Одатда, бу мақсадлар учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$T = \frac{C_T}{V^M} = \frac{C_T^1}{n^M} \quad (29)$$

[10,14,24] ишларга мувофиқ асбоб чидамлилигини ейилиши тақсимланишини нормал қонуниятга бўйсунмайди. Чидамликни тақсимланишини зичлиги (10).

2-расмда келтирилган.

Бу омилларнинг таъсири асбоб чидамлилигини тарқалишини 10 марталаб орртиради. Шунинг учун кўп асбобли дастгоҳларда ва айниқса автомат линияларда қўлланиладиган кесувчи асбобларга махсус талаблар қўйилиши керак. Кўп тишли асбобнинг кесувчи қисми элементлари симметрик жойлашини аниқловчи ўлчамоар аниқлигини ошириш маслан, минимал ва максимал қийматлар чидамликлар ўртасидаги фарқни бир вақтда камайтириш билан 3-60 баробар чидамликни орттириш имконини беради. (13)

Асбобларни гурхлаб алмаштиришда линиянинг туриб қолиш вақтини ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амлага оширилади:

$$T_k = \frac{n}{q_{cp}} (t_s + t_d) \quad (30)$$

Бу ерда n – асбоб билан ишлов бериладиган сиртлар сони; q_{cp} – ишлов бериладиган сони билан ифодаланадиган гуруҳдаги ҳар бир асбобнинг ўртача чидамлилиги.

Ишлов берувчанликнинг асосий тавсифномаси сифатида хона оптимал сирт ейилиши катталиги ва оптимал кесиш тезлиги қабул қилинади (28). Кейингисига кесишнинг доимий теипературасида эришилади ва асбобларнинг ўлчов чидамлилиги оптимал бўладиган T_0 даврига мос келади. Кесиш температурасини доимийлиги ҳақидаги қоида асбобларнинг максимал ўлчов чидамлилигига мос келадиган кесиш тезлиги ва узатишининг оптимал бирикмасини аниқлашни тезлашган методи асоси сифатида олиниши мумкин.

Охирги формуланинг физиу маъноси Темпчин таклиф қилгандаги қараганда мутлақо бошқача бўлишига қарамай уни кўп асбобли созлаш назарияси орқали қўллаш мумкин. Бу холда $T-V$ боғланишнинг тегишли кўрсаткичлари қабул қилинади. Ишлов беришнинг оптимал режимларини аниқлашда кўйидаги формуладан фойдаланилади. (12)

$$T = \dots \quad (31)$$

$$V = \dots \quad (32)$$

(45) кўринишдаги боғланишлар агар улар дастлабки қиймат сифатида олинсалар, даражали қонуннинг таъсир зонаси бўйича чекланишлар киритишни талаб этади. Меъёрий материаллар кўп холларда чеклаш шароитларини ўзида мужассам қилмайди. 52 ва 55 кўринишдаги боғланишлар паст кесиш тезликлари зонасида бу қийинчиликларни бартараф этиш имконин беради. Чунки ҳисоблашларга чегаравий чидамлилик киритилади. Асбоб ва ишлов берилаётган материалларнинг турли бирикмалардаги маркалари учун минимал рухсат этилган кесиш тезлигини (45) даражали боғланиш ва чегаравий чидамлилик бўйича ҳисоблаш мумкин.

$$V_{\min} = \frac{C_V}{T_{\Gamma p}^M} \quad (33)$$

V_{\min} кесишнинг паст тезликлари зонасида чекланиш сифатида хизмат қилиши керак.

II-БОБ КЕСИШ МАРОМЛАРИНИ МАҚБУЛ ВАРИАНТЛАРИНИ

АНИҚЛАШ

2.1. Йўнишда кесиш тезлигига таъсир этувчи омиллар

Кесиш тезлиги кесиш режимининг асосий элементиدير. Кесиш тезлигини ошириш билан станокнинг иш унуми ошади, йўнишга кетадиган асосий технологик вақт камаяди ва детал йўнилган юзасининг тозаллиги ошади. Аммо кесиш тезлиги оширилганда кесувчи асбоб тез ейилади, бу эса кесувчи асбобнинг турғунлигини пасайтиради. Кесувчи асбобнинг турғунлиги деганда унинг ўтмаслангунча ишлаш вақти тушунилади.

Заготовкани кескич билан йўнишда кесиш тезлигининг қиймати қуйидаги омилларга:

- 1) йўниладиган матёриалнинг физик-механикавий хоссаларига;
- 2) кескичнинг турғунлигига;
- 3) кескич материалининг хрссаларига;
- 4) кесиш чуқурлиги ва еуриш қийматига;
- 5) кескич геометриясига;
- 6) кескич танаси кўндаланг кесимининг ўлчамига;
- 7) кескичнинг йўл қўйрладиган ейилиш даражасига;
- 8) ишлов бериш.турига (йўниш, йўниб кенгайтириш, торец йўниш, кесиб тушириш);
- 9) мойлаш-совитиш суюқлиги ишлатиш-ишлатилмаслигига боғлиқдир.

Йўниладиган материалнинг физик-механикавий хоссалари кесиш тезлигига катта таъсир кўрсатади. Металлнинг мустаҳкамлик чегараси ва қаттиқлиги қанчалик катта бўлса, кесиш тезлиги шунчалик кичик. бўлади ва, аксинча, юмшоқ металл ва қотишмалар катта тезликлар билан ишланади. Кесишнинг йўл қўйиладиган тезли-гига металлнинг химиявий таркиби, структураси, иссиқлик ўтказувчанлиги ва заготовка сиртки қатламининг ҳолати катта таъсир этади. Пўлат таркибида углерод миқдорининг ортиб бориши билан унинг иссиқлик ўтказувчанлиги пасаяди, бу эса кесиш зонасида температуранинг кўтарилишига ва кесиш тезлигининг пасайишига сабаб бўлади. Пўлат таркибидаги легирловчи элементлар (кремний, марганец, хром, вольфрам, титаа ва бошқалар) ҳамда карбидлар пўлатнинг иссиқлик ўтказувчанлигини пасайтиради, пухталики ва қаттиқлигини оширади,. булар эса пўлатнинг кесиб ишланувчанлигини ёмонлаштиради. Чўянни кесиб ишлаш тезлиги пўлатни кесиб ишлаш тезлигида» пастроқ бўлади. Бунинг сабаби шуки, чўянда карбидлар, қум, шлак ва бошқа қўшимчалар бўлганлигидан унинг иссиқлик ўтказувчанлиги паст ва ишқалаб едириш хусусияти юқоридир. Буларнинг ҳаммаси кесувчи асбобнинг интенсив равишда ейилишига ва кесиш тезлигининг пасайишига олиб келади.

Иссиқлик ўтказувчанлиги юқори ва мустаҳкамлик чегараси пастроқ бўлган рангдор мёталларни каттароқ кесиш тезликлари билан ишлаш мумкин. Кесиш тезликларини ҳисоблаб топишда фойдаланиш учун, йўниладиган материалнинг механик хоссаларига қараб, тузатиш коэффиценти K_m нинг

қийматлари келтирилган. Алюминий ва унинг қотишмаларини кесиб ишлаш пўлатни кесиб ишлашга қараганда осонроқ. Алюминий қотишмалари

Жадвал-4

Тузатиш коэффициенти K_{M_v} нинг қийматлари

Йўниладиган материал		Тобланган конструкция углеродли ва легирилган пўлат								
Мустақамлик чегараси	$\sigma_b, \text{кг/мм}^2$	40—50	50—60	60—70	70—80	80—90	90—100	100—110	110—120	
	$\sigma_b, \text{Мн/м}^2$	390—490	490—590	590—690	690—785	785—885	885—980	980—1080	1080—1180	
K_{M_v} коэффициент . .		2,2	1,6	1,25	1,00	0,83	0,71	0,61	0,53	
Бринелль бўйича қаттиқлиги HB . . .		Кул ранг чўян								
		100—120	120—140	140—160	160—180	180—200	200—220	220—240	240—260	
K_{M_v} коэффициент . .		2,66	1,94	1,50	1,20	1,00	0,85	0,72	0,63	

учун тузатиш коэффициенти пўлатниқига қараганда 5—7 барабар катта қилиб олиниши мумкин. йўниладиган металлнинг ҳолатига киритиладиган тузатиш коэффициенти K_{M_v} нинг қийматлари 14-жадвалда келтирилган.

Жадвал-5

K_s коэффициентнинг қийматлари

Материалнинг ҳолати			
Совуқлайин чўзилган	Қиздириб туриб прокатланган	Нормалланган	Юмшатишган
1,1	1,0	0,95	0,90

Поковкаларнинг сиртида жуда қаттиқ қуюнди, қуйма заготовкларнинг сиртида эса жуда қаттиқ қобиқ бўлади, кесиш тезлигини ҳисоблаб топишда ана шуни назарда тутиш зарур. Йўниладиган заготовканинг материалига ва

сиртининг характериға боғлиқ бұлған тузатиш коэффициентининг қийматлари 15-жадвалда келтирилган.

Кесувчи асбобнинг турғунлиги. Кесувчи асбобнинг турғунлиги билан кесиш тезлиги орасида чамбарчас боғланиш бор. Графикдан яққол кўришиб турибдики, кесиш тезлигининг ортиб бориши билан кесувчи асбобнинг турғунлиги пасаяди, чунки бунда асбобнинг ейилиш интенснвлиги ортадн. Кесиш тезлиги билан кесувчи асбобнинг турғунлиги орасидаги боғланиш қуйидагича ифодаланиши мумкин

Жадвал-6

K_{kv} коэффициентининг қийматлари

Пўлат			Чўян		
кюндисиз	кюндили	қобиқсиз	қобиқли		
			қаттиқлиги <i>HВ</i>		
			160 гача	160—200	200 дан өртик
1,0	0,9	1,0	0,7	0,8	0,9

$$v = \frac{A}{Tn} \text{ м/мин}, \quad (44)$$

бунда A — кесувчи асбоб материалынинг сифатиға ва йўниладиган материалға, суриш қиймати, кесиш чуқурлиги, кесувчи асбоб геометриясиға боғлиқ. бұлған ўзгармас коэффициент, T — кескичнинг турғунлиги, мин.; n - нисбий турғунликнинг йўниладиган материалға, кескич материалға ва йўниш шароитиға боғлиқ бұлған кўрсаткичи.

Биобарин, кесиш тезлиги 1 дан кесиш тезлиги ўтишда кесувчи асбобнинг турғунлиги қуйидаги боғланишлардан аникланали:

$$v_1 = \frac{A}{T_1^m} \text{ ва } v_2 = \frac{A}{T_2^m} \quad (34)$$

Агар бу ифодалар ҳадма-ҳад бир-бирига бўлинса, қуйидаги ифода ҳосил булади:

$$\begin{aligned} \text{бундан} \quad \frac{v_1}{v_2} &= \frac{A \cdot T_2^m}{A \cdot T_1^m} = \left(\frac{T_2}{T_1}\right)^m \\ \text{ёки} \quad v_1 &= v_2 \left(\frac{T_2}{T_1}\right)^m \\ T_2 &= T_1 \cdot \left(\frac{v_1}{v_2}\right)^{\frac{1}{m}} \end{aligned} \quad (35)$$

келиб чиқади, бунда T_1 турғунликка мувофиқ келадиган кесиш тезлиги; T_2 турғунликка мувофиқ келадиган кесиш тезлиги.

2.2. Механик ишлов беришда технологик кўрсаткичлар, кесиш маъромлари ва уларни мақбулаш усуллари

Деталга механик ишлов беришнинг иқтисодий кўрсаткичларини ва кесиш жараёнининг физик–технологик имкониятларини таъминлаш учун кесиш маъромларининг параметрларини танлаш зарур бўлади.

Кесиш маъромларининг қуйидаги кўрсаткичлари мавжуд:

- техник, дастгоҳнинг, кесувчи асбоб ва хом – ашёнинг тузилиш хусусияти, ишлов бериш жараёнида асбобнинг мустаҳкамлиги ва

чидамлилиги, мосламанинг мустахкамлиги, дастгоҳнинг алохида қисмлари, кесувчи асбобнинг эластик деформацияга чидамлилиги, детал, дастгоҳ ва бошқалар.

- технологик, деталнинг ишлов берилгандан кейинги хусусияти (юза тозалиги, деталнинг ўлчам ва геометрик формаси аниқлиги.)
- ташкиллаш – ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш дастгоҳларида вазифанинг юкланиши, ишлов бериш линиясининг такрорланиши (такти) ва бошқалар.
- иқтисодий, ишлов бериш унумдорлигини аниқлаш.

Кўп сонли технологик имконият вариантларидан энг мақбул кесиш маромларини танлаш мақбуллаш принципининг асоси ҳисобланади.

Хом – ашё хусусиятининг ўзгариш асоси, кесувчи асбоб, ишлов бериш жараёнида ўзаро таъсирнинг физик қонуниятларини, дастгоҳ, мослама, асбоб детал системасининг хусусияти ва дастгоҳнинг кинематик ва динамик имкониятлари кесиш маромларини энг мақбулини аниқлашнинг омили бўлиб, деталга шакл бериш жараёнини таъминлашнинг қабул қилинган техник шартларига ишлов бериш жараёнида энг кам меҳнат сарфини мослигини ифодалайди.

Кесиш маромларининг энг мақбулини танлаш учун қуйидаги масалаларни ечимини топишга тўғри келади:

1. мақбуллаш критериясини танлаш; мақбуллаш критериясини кесиш маромларининг параметрлари билан физикавий боғлиқлигидан келиб чиқиб асосий (мақсадли) функцияни ёзиш;

2. Кесиш ишлов бериш майдонида техник ташкиллашни шакллантириб ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш; ишлаб чиқаришнинг иқтисодий сифатини ошириш;
3. кесиш маромларининг энг мақбулини танлаш; чегараланган аниқ шартли техник масала ва маълум бир мақсадга йўналтирилган даражали функция кўринишидаги ифодаларни тузиш;
4. Кесиш маромларини мақбулини аниқлаш учун алгоритм тузиш;
5. Алгоритмнинг ташкил этувчи омиллари аниқлаш; (қўлда ҳисоблаш билан, ЭХМ ёрдамида)
6. Ҳисоблаш учун керакли ҳужжатларни тайёрлаш.
7. Ҳисобни бажариш.

Кесиш маромларининг мақбулини ҳисоблашда масалани муваффақиятли ҳал этиш учун кесиш жараёнининг қонуниятларини техник чегараланиш шартларини, тенгламаларни қайта анализ қилиш, мақбуллаш критерияси хусусиятини тадқиқ этиш зарур.

Мақбуллаш критериялари.

Мақбуллаш критерияси (мақсадли функцияси) ни тўғри танлаш ишлов беришда рационал кесиш мароми учун қўйилган масала ечимининг асосини ташкил этади. Мақбуллаш критериясини шартли равишда 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш турлари бўйича мақбуллаш.
2. Кесувчи асбобнинг тан нархи ва бикрлиги бўйича мақбуллаш.

3. Ишлаб чиқариш турларининг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича мақбуллаш.

Мақсадли функцияни аниқлаш умумий ҳолда кесиш маромларини аниқлашдан фарқ қилади. Асосланган мақбуллаш кўрсаткичлари кесишнинг мақбул майдонидаги мақбуллаш кўрсаткичларидан фарқ қилади. Мақбуллаш кўрсаткичларини танлаш мақбуллаш критерияси функциясини бажариш билан бошланади.

Механик ишлов бериш жараёнида қўлланиладиган мақбуллаш критерияларини кўриб чиқамиз:

Ишлаб чиқариш турлари бўйича мақбуллаш критерияси.

Ишлаб чиқаришнинг юқорилик кўрсаткичи қилинган сарф-харажатнинг қайтиши ва умумий меҳнат сарфининг қисми билан белгиланади. Умумий меҳнатнинг бошқа иқтисодий элементлари шу билан боғлиқ ҳолда кўтарилади. Унда оддий кенгайтириш усулидан фойдаланилади.

Соатбай ишлаб чиқариш даражаси қуйидаги ифода билан аниқланади.

$$q_u = \frac{60}{t_{\text{дк}}} \quad (36)$$

бу ерда: $t_{\text{дк}}$ - донабай - калькуляция вақти;

$$t_{\text{дк}} = T_{\text{д}} + \frac{T_{\text{м.м}}}{N} = t_{\text{д.к.к}} + t_{\text{д.к.н}} \rightarrow \min \quad (37)$$

$T_{\text{д}}$ - операциянинг донабай вақти;

$T_{m.m}$ - партиядаги деталларга ишлов бериш учун тайёрлаш – махкамлаш

вақти;

N - партиядаги деталлар сони;

$t_{\partial.k.k}$ - кесиш маромларига боғлиқ вақтни донабай – калькуляция қисми;

q_u - максимум бўлиши учун қуйидаги шарт бажарилиши керак.

$$t_{\partial.k.k} \rightarrow \min \quad (38)$$

Бунинг учун эса донабай – калькуляция вақтининг асосий қисми донабай вақт минимум бўлиши зарур.

$$T_{\partial} \rightarrow \min \quad (56)$$

$$T_{\partial} = t_m + t_{\check{e}} + t_{c.yo} + t_{x.k} + t_{\partial am} + t_{a.c_1} \quad (39)$$

бу ерда: t_m - машина вақти;

$t_{\check{e}}$ - ёрдамчи вақт;

$t_{c.yo}$ - салт юриш вақти;

$t_{x.k}, t_{\partial am}$ - хизмат кўрсатиш ва дам олиш вақти;

$t_{a.c_1}$ - ишлов бериш жараёнида хар бир кесувчи асбобни алмаштириш ва

кайта созлаш учун сарфланган вақт;

$$t_{a.c} = \frac{T_{a.c}}{N^1} = \frac{T_{a.c} \cdot \ell_{кес}}{T \cdot S_{мин}} = \frac{t_m \cdot T_{a.c}}{T} \quad (40)$$

$T_{a.c}$ - кесувчи асбобни алмаштиришнинг норматив вақти;

N^1 - кесувчи асбобнинг турғунлиги даврида ишлов берилган деталлар

сони;

$l_{\text{кес}}$ - битта деталга ишлов бериш учун кескични босиб ўтган йўл узунлиги;

T – турғунлик даври;

$S_{\text{мин}}$ - бир минутдаги суришлар миқдори;


Кесиш маромларини операция бўйича T_0 ни барча ташкил этувчиларини ҳозирги кунга тўлиқ ифодаси йўқ.

Агар $t_{\text{ғ}}$, $t_{\text{с.ю}}$, $t_{\text{х.к}}$, $t_{\text{дам}}$ - ни аниқлашга тўғри келса унда формулани куйидаги кўринишда ёзиш мумкин.

$$T'_0 = t_m + \frac{T_{a.c} \cdot t_m}{T} = t_m \left(1 + \frac{T_{a.c}}{T} \right) = \frac{C}{VS} \left(1 + \frac{T_{a.c}}{T} \right) \quad (41)$$

V , S кесиш маромлари ортиб борган сари T_0 ўзгариши билан $\frac{C}{VS}$ ва $\left(1 + \frac{T_{a.c}}{T} \right)$ лар аниқланади.

Агар V , S ортиб борса, $\frac{C}{VS}$ бир текисда камаяди, $\left(1 + \frac{T_{a.c}}{T} \right)$ эса ортиб боради (кесувчи асбоб турғунлиги ортганда V ва S камайгани каби) T'_0 - нинг умумий ўзгариши 9 – расмда келтирилган.



1 – расм. Ишлов бериш маромларининг ўзгаришига донабай вақтнинг таъсири.

Айрим ҳолларда кесувчи асбобни алмаштириш учун сарфланган вақт хисобга олинган ҳолда мақбуллаш ифодаси ҳосил қилинади.

$$\frac{C}{VS} \rightarrow \min \quad (42)$$

Ўз навбатида ишлов бериш вақтининг минималга интилиши донабай вақтда ишлов берилган деталлар сонини ортишига сабаб бўлади.

$$C_1 \cdot V \cdot S \rightarrow \max \quad (43)$$

Мақсадли функция маҳсулотни ишлаб чиқариш миқдори максимум бўлган ҳолда (донабай – калькуляция вақти ёки донабай вақтнинг бирор қисми минимум бўлган ҳолда) операцияда меҳнат сарфини ифодалайди.

Меҳнат сарфини анализ қилиш шуни кўрсатадики, бу сарф кесиш маромларини мақбуллашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Кесувчи асбоб сарфи бўйича мақбуллаш критерияси

Бу мақбуллаш критериясидан кесувчи асбоб материалнинг сарфланиш миқдорини топилиши қийин, тайёрланиши катта сарф - харажатни талаб этиладиган ҳолларда фойдаланилади ва бу кесувчи асбоб мустаҳкамлиги юқори ва сарфи минимум бўлишига асосланади.

Кесувчи асбоб турғунлиги юқори бўлиши, кесиш маромларининг минимум бўлиши билан асосланади.

$$а) T_{\max} = \frac{C_v^{\frac{1}{m}} \cdot K_v^{\frac{1}{m}}}{V_{\min}^{\frac{1}{m}} \cdot t_{\min}^{\frac{x_v}{m}} \cdot S_{\min}^{\frac{y_v}{m}}} \quad (44)$$

ифоданинг бошқача кўриниши (Тэйлор ифодаси)

$$\text{б) } T = \frac{100 \cdot T_{\text{мур}} \cdot C_v^\mu}{V^\mu \cdot X^{V_M} (T_{\text{мур}} - 100) + 100 \cdot C_v^\mu} \quad (45)$$

бу ерда: C_v ва K_v - ишлов бериш тури, кесувчи асбоб ва детал материални хисобга олувчи коэффициент.

X – умумийлаштириш кўрсаткичи.

$T_{\text{мур}}$ - кесувчи асбоб турғунлик чегараси.

Кесиш маромларининг мақбуллашнинг бирлик критерияси кесувчи асбоб сарфини фақат технологик эмас, балки физик томондан ҳам асослайди ва А.Д. Макаровнинг тадқиқотларида кесувчи асбоб нисбий ейилишининг энг кам бўлиши билан исботланган.

Кесувчи асбоб чидамлилигини нисбий чизиқли ейилиш ΔL орқали ифодалайди.

$$\Delta L = \frac{h_{\text{max}} - h_0}{L_T - L_0} = \frac{h_{\text{max}} - h_0}{V(T - \tau_0)} = \frac{C_1}{V \cdot T} \quad (46)$$

бу ерда: h_{max} - ейилишнинг максимал қиймати

h_0 - емирилиш бошланган вақтдаги дастлабки ейилиш миқдори;

L_T - кесувчи асбобнинг умумий босиб ўтган йўли;

L_0 - емирилиш бошланган вақтдаги дастлабки кесувчи асбобнинг юрган йўли.

τ_0 - бошланган емирилиш бошлангунга қадар ўтган вақт;

C_1 - кесиш тезлигининг коэффициенти.


Барча параметрларни юзанинг нисбий ейилиши Δl билан ифодалаш мумкин.

$$\Delta n = \frac{C_2}{V \cdot S \cdot T} \rightarrow \min \quad (47)$$

бу ерда: C_2 - аниқланган тезлик коэффиценти.

А.Д.Макаров ўз тадқиқотларида ишлов берилган юзанинг сифатини дефект қатламларнинг кенглиги критериясини қўйиш билан ва формулалар асосида аниқлаган.

Кесиш тезлигининг мақбул қиймати бу критерия бўйича ва катта кесиш тезлиги ва юқори ишлаб чиқариш асосида топилади.



2 – расм. Кесувчи асбоб турғунлиги ва ишлов берилётган юзанинг узунлигининг кесиш тезлигига боғлиқлиги.

Ностационар кесиш ҳолларда, кесувчи асбоб бир нечта юзаларга ишлов берганда ва юзага келган технологик тебранишлар таъсирида операция параметрлари (кўрсаткичлар) ўртача ҳисобда ўзгариши кузатилади, бундай кесиш маромларининг ўзгариш қонуниятини ўзгармас тезлик билан ишловчи кесувчи асбобларда кузатилади.

Кесувчи асбобни ўрнини ўзгартириш ва ҳолатини ўзгартиришда энг кам сарфни мақсадли функцияси қуйидагича ифодаланади.

$$C_n = \frac{t_M}{T} (C_{\text{тур}} + Ct_{a.c}) = \frac{t_M}{T} \left(\frac{C_{\text{тан.н}} + n_{\text{тан.н}} t_3 C_3}{n_{\text{тан.н}} + 1} + Ct_{a.c} \right) \quad (45)$$

бу ерда: t_M - операциядаги кесиш вақти.

$C_{\text{тур}}$ - кесувчи асбобнинг турғунлиги бўйича сарфи;

C – кесувчи асбобни алмаштириш учун кетган сарф;

$C_{\text{тан.н}}$ - кесувчи асбобнинг тан нархи;

$n_{\text{тан.н}}$ - нуқталар сони;

C_3 - қисмлар нархи;

Янги жараённи лойихалашда маълумотлар етарли бўлмаган ҳолда мақбуллашнинг кесиш интенсивлиги (металлар сони, бирлик вақтнинг йўқотилиши) R ва кесувчи асбоб турғунлиги бўйича бажариш мумкин. (R - T - F усули)

Мақбуллаш критерияси қуйидагича ифодаланади:

$$R \rightarrow \max \quad T \rightarrow \max \quad (46)$$

Бундай ҳолатда кесиш маромларининг бошқа параметрлари ҳисобга олинмасдан, фақат R ва T ларгина таҳлил қилинади.

Иқтисодий кўрсаткичлар бўйича мақбуллаш критерияси

Назарияда ва амалиётда кесиш маромларининг мақбули барча унумдорлиги паст бўлган операциялар учун сифатли мақбуллаш критериясида танланган. Унумдорликнинг энг кичик мақсадли функциясининг умумий ҳолдаги кўриниши:

$$C_x = \left[t_M \left(B + \frac{B \cdot T_{a.c} + \Gamma}{T} \right) + t_{\text{о.к.к}} \cdot B \right] \rightarrow \min \quad (47)$$

бу ерда: B – дастгоҳдаги бир минутдаги умумий унумдорлик;

T – кесувчи асбобни эксплуатация қилиш ва унинг турғунлигини тиклаш учун сарфланган қўшимча сарф.

Ишдаги унумдорлигининг энг кичик қиймати учун мақсадли функция кўриниши:

$$C'_x = \left[C_{np} \cdot T_\partial + C_\varepsilon \cdot t_M + C_{ман.н} \frac{t_M}{T} \right] \rightarrow \min \quad (48)$$

бу ерда: $C_{ст}$ - донабай вақтга пропорционал сарфлар.

C_ε - электр энергия сарфи.

$B, \Gamma, C_{ин}$ – ларнинг миқдорлари аввалги сарф боғлиқ бўлиб, операциянинг завод бўйича, цех бўйича ёки технологик унумдорлиги билан белгиланади.

Ишлаб чиқаришда аниқ бир операция учун ишлов бериш маромларини мақбуллашда бошқа мақбуллаш критерияларига ҳам таянилади. Масалан, узок муддатли, сифатли мақбуллаш критериясидан юзани пластик деформациялашда ёки қишлоқ хўжалиги бўйича сарф харажатни ҳисобга олган ҳолда фойдаланилади.

Ишлов беришдаги энг мақбул маромлар тахлили

Умумий ҳолда кесиш маромларини мақбуллашда, унинг барча параметрларини кўриб ўтилади. (кесиш тезлиги - V , суришлар миқдори – S , кесиш чуқурлиги - t).

Маромларнинг энг мақбулини анализ қилиш учун мисол сифатида фақат кесиш тезлигини оламит.

Кесишнинг иқтисодий майдонида аниқланган чегаравий кесиш тезлиги энг катта қиймати ишлаб чиқариш жихозларида V_q га тенг бўлади.

Кесишнинг иқтисодий майдонида аниқланган чегаравий энг кичик кесиш тезлиги кесувчи асбоб турғунлигининг энг юқори ҳолатида V_T бўлади.

Бундай келиб чиқадики, ихтиёрий мақбуллаш критерияси бўйича тарқалиш, иқтисодий зонада кесиш маромлари маълум ораликда, кесувчи асбоб турғунлигининг энг юқори ҳолати ва ишлаб чиқариш жихозларининг энг юқори ҳолати ($V_T ; V_q$) оралиғида кесиш маромлари учун технологик имкониятлар энг кичик ва энг кичик қийматларда бўлади.


5 – расмда операциядаги кесиш тезлиги элементларини ўзгариш графиклари келтирилган.

1-3-7 эгри чизик $S=\text{const}$, $t=\text{const}$ бўлган ҳолатда унумдорликни кесиш тезлигига боғлиқлик функцияси $C_x=f(v)$ нинг графигини ифодалайди. 3 – нуқта – эгри чизикнинг энг кичик экстримум нуқтаси. Бунда V_3 – унумдорлик бўйича мақбул кесиш тезлиги.

8-12-14 эгри чизик донабай – калькуляция вақтини кесиш тезлигига боғлиқлик графигини ифодалайди. $t_d=f(v)$. Бунда 12 – нуқта энг кичик экстримум нуқта ҳисобланади. Шу нуқтада V_q ишлаб чиқариш бўйича кесиш тезлигининг мақбул қийматидир.

Қуйида кесиш майдонидаги асосий экстримум нуқталарнинг нисбий тарқалишини кўриб ўтамиз:

1. V_1, V_2 тезликнинг технологик имкониятлар оралиғи V_3 ва V_4 кесиш тезлигининг мақбул қийматларидан олдин жойлашган. (тезлик бу майдонда унчалик юқори эмас). Бунда сифатли мақбуллашнинг максимал чегараси V_2 .



4 – расм. $t = const, S = const$ бўлган ҳолатда кесиш майдонининг технологик ва иқтисодий тарқалиш вариантлари.

2. Унумдорлик бўйича тезликнинг мақбул қиймати V_3 ($V_1; V_3$) кесиш тезлигининг имкониятлар оралиғида, ишлаб чиқариш бўйича эса V_4 ($V_1; V_3$) ораликдан кейин жойлашган.

V_3 тезлик эгри чизиғининг экстримум нуқтасида жойлашган, V_3 тезлик шу ораликда вақт бўйича аниқланган энг кичик қийматдаги тезлик бўлади.

3. V_3, V_4 тезлик мақбул қийматлари ($V_1; V_4$) кесиш тезлигининг имкониятлар оралиғида жойлашган.

4. V_4 мақбул қиймат ($V_3; V_4$) технологик имкониятлар майдонида, V_3 улардан олдин кичик кесиш тезлиги майдонида жойлашган. Бундай ҳолатда V_3 нисбатан иқтисодий ҳисобланади.

5. $(V_4; V_5)$ – технологик имконият майдони мақбул майдонидан ташқарида жойлашган бўлиб, бундай ҳолатда V_4 кесиш тезлиги мақбул деб қабул қилиниши мумкин.

6. Кесиш тезлигининг технологик имкониятлар майдони $V_3 < V_1 < V_2 < V_q$ ораликда бўлса, бундай ҳолатда V_1 иқтисодий жihatдан юқорироқ, V_2 эса ишлаб чиқаришни ҳисобга олган ҳолда юқорироқ натижа беради.

V_q – энг юқори ишлаб чиқариш тезлиги юқори маромларда кесувчи асбобнинг сарфи бўйича энг кичик ҳисобланади.

Бир хил кесувчи асбоб билан ишлов беришда ўзи учун кетган вақтда минимум сарф харажат ва қайта созлаш учун кетган вақт тежаб қолинади. Кесувчи асбобнинг алмаштиришга кетган вақт қанча кам бўлса, ёки доимий ҳолатда битта кесувчи асбоб билан ишланганда, шунча максимум тезликка яқинлашиш бўлади; кесувчи асбобга сарф қанча катта бўлса, иқтисодий ишлабю чиқариш мароми V_T шунчалик яқин бўлади.

Электр энергияга бўлган сарф харажатни кўтариш натижасида иқтисодий ишлов бериш мароми максимал ишлов бериш маромидан катта бўлади. Буларга энг яқин мақбуллаш критерияси халқ хўжалигидаги сарф – харажатлар ҳисобланади, лекин кесиш маромларининг мақбуллаш критерияси бўйича энг кам сарфни ўз ичига олган критерия бўлиб хизмат қилади.

III-БОБ. КЕСИШ МАРОМЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАХОЛАШ

3.1. Ишлаб чиқариш процесси ва технологик процесс

Кичик кесиш тезликларда қаттиқ қотишмалар ва минералокерамика билан ишлов бериш тез - тез кесувчи асбоб кесувчи қисмининг материаллини кесувчи қирра бўйлаб мўрт ейилишни (уваланишни) чақиради.

Амалий жихотдан ишлов беришни дебет эгри чизиғининг пастлашиб берувчи (ўнг) бўлагига мувофиқ бўлувчи тезликларда ўтказилади. Агар дебет ёки турғунлик эгри чизиғи кесиш тезлиги функцияси сифатида иккита максимум (икки чўққи) га эга бўлса, у холда ишлов беришни кўп холларда тезликлар зонасида (91-шаклга қара) ўнг чўққининг патслашувчи бўлагига мувофиқ бўлувчи тезликларда бажариш кўзда тутилади. Буларга формулалар билан ифодаланувчи бир маъноли боғлиқлик ўрнига эга, кўрсаткич эса тахминан доимийлигича қолади.

Ўзгарувчи кесиш тезлиги билан ишлашда кескич турғунлик даврини аниқлаш. Бўйрама йўнишда ифодаланувчи $T-V$ боғлиқлик, кўндаланг (торецли) йўниб текислашда ва конусли йўнишда бошқа кўринишни қабул қилади.

Дастлаб торец текисликларни ва конусни йўнишга мувофиқ бўлувчи бир қанча кинематик боғланишларни кўриб чиқамиз.

Торец юза доимий бурчак тезлик ва суриш қийматларида $d_{ич}$ ички диаметрдан $d_{таш}$ ташқи диаметрча, яъни ўсувчи кесиш тезлигида йўниб текисланаётган бўлсин.

Бошланғич диаметрдан $d_{ич}$ қандайдир диаметргача d_{τ} йўниб текислаш мобайнида машина вақти қўйидагига тенг бўлади:

$$\tau = \frac{(d_{\tau} - d_{ич})}{S_{и}(w/n)} \text{ сек} \left\{ \tau = \frac{d_{\tau} \cdot d_{ич}}{2nS} \text{ мин} \right\}, \quad (49)$$

бу ерда d_{τ} ва $d_{ич}$ - диаметрлар, м(мм);

S - суриш, м(мм);

$w(n)$ - бурчак тезлик, рад/сек { айл/мин }.

Бу ердан:

$$d_{\tau} = d_{ич} + S_w \cdot m \left\{ d_{\tau} = d_{ич} + 2nS, \text{ мм} \right\}, \quad (50)$$

d_{τ} диаметри бир лахзадаги кесиш тезлиги қуйидаги тенг бўлади:

$$V_{\tau} = \frac{\pi \cdot d_{\tau} \cdot n}{1000} = \frac{\pi d_{ич} \tau}{1000} + \frac{2\pi n^2 S}{1000} \cdot \tau = V_{ич} + j\tau \quad (51)$$

$$V_{ич} = \frac{\pi d_{ич} \cdot n}{1000}; \quad j = \frac{d(V_{\tau})}{d(\tau)} = \frac{2\pi n^2 S}{1000} \quad (52)$$

Чўққида $2d$ бурчакли конусни йўниб текислашда

$$j = \frac{2\pi n^2 S}{1000} \cdot \sin \alpha \quad (53)$$

Камаювчи кесиш тезлиги билан торецли йўнишда ($d_{таш}$ ташки диаметрдан $d_{ич}$ ички диаметригача)

$$V_{\tau} = V_{max} - j_{\tau} \quad (54)$$

Торецли йўниб текислаш учун $T - V$ боғлиқликни кескич ейилишини экспериментал равишда ўрнатилган қонуниятлар асосида аналитик усулда келтириб чиқариш мумкин.

Кескич ейилишини вақтнинг чизиқли функцияси бўлиб ҳисобланувчи характерли ҳолат учун бу ҳоласни кўриб чиқамиз:

$$w_{\tau} = l_w \cdot V^{zw} \cdot \tau = c \tau \quad (55)$$

Агарда йўниб текислаш доимий кесиш тезлигида ўтказилганда эди, у ҳолда бир лохзали ейилиш тезлиги U_{τ} доимий катталиқ бўлган эди.

$$U_{\tau} = \frac{d(wc)}{d(\tau)} = l_w \cdot V^{zw} = \frac{w_{\tau}}{\tau} = const. \quad (56)$$

Бунда биз қўйидагига эга бўлар эдик:

$$\frac{W_H}{T} = \frac{w_{\tau}}{\tau} = const = u \quad (57)$$

бу ерда w_H - ўтмасланиш мезони сифатида қабул қилинган нормал ейилиш.

T - турғунлик даври.

Торецли текисликларни ва конусли юзаларни йўниб текислашда, қачонки V кесиш тезлиги ва унга мувофиқ V_τ ейилиш тезлиги тўқтовсиз узгариб туради.

Бундай холда биз V_c ва U_τ катталикларни фақатгина вақтнинг чексиз кичик оралик давомида доимий деб ҳисоблашга қодирмиз.

Агарда йўниб текислаш ҳамма вақт V нинг бир лохзали қийматига тенг бўлган $V\tau$ доимий кесиш тезлигида бўлганда эди, у холда U ейилиш тезлиги ҳам доимий бўлган бўлар эди ва U_τ нинг бир лохзали V_τ кесиш тезлигида фараз қилинувчи ёки сохта турғунлик даври $T_\tau = \frac{C^z}{V_\tau}$ эга бўлар эди.

$$U = \frac{d(w_\tau)}{d(\tau)} = \frac{w_n}{T_\tau} = \frac{w_n V_\tau^z}{C^z} \quad (58)$$

бу ердан

$$d(w_c) = \frac{w_n}{C^z} V_\tau^z d(\tau) \quad (59)$$

ёки ўсувчи кесиш тезлиги билан йўниб текислаш ҳолати учун:

$$d(w_c) = \frac{w_n}{C^z} (V_{uc} + j\tau)^z d(\tau) \quad (60)$$

3.2. Турғунлик даврини кесиш тезлигига боғлиқлиги

Турғунлик даври (ёки оддийгина турғунлик) деб, қабул қилинган ейилиш меъзонига мунофиқ, ўтмаслаиш чегарасигача ёки кетма-кет иккита чархлашлар орасидаги кееуячи асбобнинг ишлаш давомийлигига айтиладн. Кесувчи асбоб тўхтовеиз ёки тўхтаб-тўхтаб ишлаши мумкин.

Турғунлик даври T ни V кесшп тезлигига боғлиқлигини кўриб чиқамиз. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, кееиш тезлплгаи ошиши билан турғунлик даври кўп ҳолларда кескнп равишда. камаяди.

Баъзи холларда кесувчи асбобнинг турғунлиги унинг чархлашлар орасидаги иш узоқлигини эмас, балки буюм (детал) миқдори n , қиринди хажми Q ёки турғунлик даврида ишлов берилган буюм юзасининг майдони S билан характерланади.

$$Q = tSVT \text{ м(см)} \quad (60)$$

$$S = SVT \text{ м(10см)} \quad (61)$$

БУ ерда t -кесиш чуқурлиги, м(мм);

S -бир айланишга суриш, м(мм);

V -ўртача кесиш тезлиги, м/сек (м/мин);

T -турғунлик даври, сек(мин).


(6) формулага (7) формуладаги T қийматни қуйиб қуйидагини топамиз:

$$Q_T = Fv \frac{const}{V^2} = \frac{constF}{V^{z-1}} \quad (62)$$

Q катталиқ дебет деб номланади.


z кўрсаткичининг барча бирдан катта қийматларида дебет турғунлик каби z нинг барча мусбат қийматларида кесиш тезлигини камайиши билан тўхтовсиз ўсиши шарт. Бироқ, текширишлар шуни кўрсатадики, дебет ва турғунлик даврини кесиш тезлигига боғлиқлиги барча тезликларда хамиша бирхил ва бир маъноли ҳисобланмайди. Дебет каби турғунлик даври ҳам кесиш тезлигини камайишида олдин ўсади, максимумга эришади, сўнгра камайиб беради. Дебетнинг (ва ишлов берилган юза майдони) максимумга эришган кесиш тезлиги қийматини энг кичик ейилиш тезлиги V ни деб атаёмиз.

Бунга мувофиқ T ва Q ни кесиш тезлигига боғлиқлиги 89-шаклда кўрсатилган эгри чизиқ билан ифодаланади. Турғунлик даврининг максимумига $t=0$ қиймат, дебетнинг максимумига $z=1$ қиймат жавоб беради.



5-шакл


Тажриба натижаларини таққослаш шуни кўрсатадики, тезкесар кескичлар учун дебетнинг эгри чизиғи энг юқори кесиш тезлиги зонасида жойлашади ва дебет максимуми углеродли кескичларникича нисбатан юқори бўлади. Лекин, кичик кесиш тезликларида дебет каби углеродли кескичлар учун турғунлик даври тезкесар кескичларникича нисбатан юқори бўлади.



6-шакл

Шунга ўхшаш кўриниш қийин ишлов бериладиган материалларга тезкесар ва қаттиқ қотишмали кескичлар билан ишлов бериш таққосланганда кузатилади, масалан молибден ва конструкцион пўлат.

Бирқанча тажрибаларда татқиқотчилар иккита максимумли дебетнинг эгри чизиғини олишган



7-шакл

Биринчи татқиқотчилар учун мутлақо тасодифий хисобланувчи ва $T-V$ боғлиқлик билан қарама - қаршиликда жойлашувчи дебет ўзгаришининг бу ажойиб хусусиятларини, кесиш хароратини ўзгаришда механик хоссаларини, қисмон кесилаётган қатлам ва кескич кесувчи қисмини қаттиқлигини ўзгариш қонуниятлари билан тушунтирилади. Кесувчи асбоб кесувчи қисмининг ва кесилаётган металл қатламнинг қаттиқликлари орасидаги фарқ катта бўлса, кескич турғунлиги шунчалик катта, унинг ейилиши эса шунчалик кичик бўлади. Аниқ бир хароратларда бу фарқ максимумга эришади ва бу кесиш хароратларига кесувчи асбобнинг минимал ейилиши ва максимал турғунлик ёки энг катта дебет жавоб беради. $T-V$ чизиқ максимумнинг мавжудлиги шунингдек тобланган пўлатларни қаттиқ қотишмали кескичлар билан тезкор йўнишда топилган эди.

Кескичлар кичик кесиш тезлигида тез ўтмасланади, $V=4$ м/сек (235 м/мин) юқори тезликда кескич турғунлиги максимумга эришади.

Бу ходисани тушунтириш, ишлов бериладиган материал (тобланган углеродли пўлат) қаттиқлигини ва кесувчи қаттиқ қотишмали пластинкни кесиш хароратига боғлиқлигини 18-шакл беради: юқори тезликга мувофиқ бўлувчи 800 850С хароратда қаттиқ қотишмали кесувчи асбобнинг кесувчи қисмининг қаттиқлиги бироз камаяди, у холда металнинг кесилаётган қатлами каби тоблашни йўқотади ва анча юмшоқ бўлиб қолади. $V=235$ м/мин тезликда кесувчи асбоб кесувчи қисми ва кесилаётган металл қатлами қаттиқликлари орасидаги фарқ шу юқори қаттиқликда кескич турғунлигини ошиши билан тушунтирилади.

Кўп сонли тажрибалар шуни кўрсатадики, қаттиқ қотишмалар билан пўлатни йўнишда $T-V$ эгри чизиқлар 0,5 - 1,0 м/сек (30-60 м/мин) кесиш тезлиги ва 300 - 1600 мин бўлган катта турғунлик даври зонасида максимумга эга бўлади.

Бироқ, энг катта турғунлик даврени ёки максимал дебетни берувчи иш кичик кесиш тезликларда кўп ҳолларда фойдасиз ҳисобланади, чунки бундай маромларда ишлов бериш кам унумдорликка эга. Минимал ейилиш тезлигидан кичик бўлган тезликларда иш айниқса мақсадга мувофиқ эмас, чунки у фақатгина кам унумдорликка эга бўлибгина қолмасдан, кесувчи асбоб турғунлигини ҳам пасайтириб юборади.

Агар кескич x ўтишларда ўтмасланса, y ҳолда кескични ишлаш шароити барча ўтишларда бир хил бўлади, бир ўтишдаги w_1 ўтмасланиш $w_n \cdot x$ га тенг бўлади.

У ҳолда

$$\int_0^{w_1} d(w_c) = \int_V^{w_n} d(w_\tau) = \frac{w_n}{c_z} \int_0^{T_1} (V_{uc} + j\tau)^z d(\tau) \quad (63)$$

бу ерда T_1 - бир ўтишнинг машина вақти.

Интеграллаб қўйидагини топамиз:

$$x = \frac{C^z (z+1)}{(V_{uc} + jT_1)^{z+1} - V_{uc}^{z+1}} \quad (64)$$

Лекин

$$V_{uc} + jT = V_{max}; \quad j = \frac{V_{max} - V_{uc}}{T_1} \quad (65)$$

Шунинг учун

$$x = \frac{C^z \cdot (z+1)(V_{\text{max}} - V_{\text{уч}})}{T_1(V_{\text{max}}^{z+1} - V_{\text{уч}}^{z+1})} \quad (66)$$

Чунки $T_1=T$, у холда

$$T = \frac{C^z(z+1)}{V_{\text{max}}^{z+1} - V_{\text{уч}}^{z+1}} \quad (67)$$

Бу турғунлик даври формуласини, агар камайувчи кесиш тезлиги билан йўниб текислашни (d_{max} ташқи диаметрдан $d_{\text{уч}}$ ички диаметрча) кўриб чиқишда олиш мумкин. Шунинг учун формула торецли йўниб текислашда ва конуссимон юзаларни йўнишда $T - V$ боғлиқликни аниқлаш учун умумий формула хисобланади.

Бир вақтнинг ўзида бир хил шароитларда ишловчи бир хил кесувчи аебобларнинг турғунлиги якка кескичга нисбатан n марта катта бўлиши керак. Ҳақиқатан n кескичлар нархи, чунки уларнинг чархлаш нархи n марта катта бўлади, шунинг учун T киймат ҳам n марта каттадир. Бнрок, юқори турғилик муҳотида S тезликнинг нисбий кўрсаткичи камаяди. Шунинг учун иктасодий турғунлик даври T кийматга пропорционал бўлмаган ҳолда бир мунча секинроқ ўсади.

Кўн асбобли танлаш учун $T_{\text{кўн}}$ кийматни қуйидаги соддалаиштирилган тенглик бўйича тахминан аниқлаш мумкин, бу ерда z кўрсаткичнинг узгарувчанлиги ҳисобга олинган:

$$T_{\text{кўн}} = T_{\text{битта}} (n)^{0,75} \quad (68)$$

бу ерда: $T_{\text{кўп}}$ ва $T_{\text{битта}}$ битта кеекичнинг ишлашидага ва бир вақтда n та бир хил кесувчи асбобларнинг ишлашидага иқтисодий турғунлик даври.

Қуйида кесувчи асбобларни бир текис юкланиши бўйича ўрта мураккабликдаги соझашлар учун токарлик дастгоҳларда кўп асбобли ишлов беришда кескичларнинг тавсия этилган турғунлик даврлари келтирилган.


5-жадвал Турғунлик даврини кесувчи асбоблар сонига боғликлиш

Соझашдаги кесувчи асбоблар миқдори	3	5	8	10	15	20	20 дан юқори
Тавсия этилган турғунлик T , мин	100	120	150	180	230	260	300


Турғунлик даврига кўп дастгоҳлик хизмат кўрсатиш таъсир ўтказди, буқда дастгоҳни соझаш ишчи дастгоҳни томонидан бажарилади. Турғунлик даврининг ошиши хизмат кўрсатилаётган дастгоҳлар шакл агрегатлар миқдори билан аниқланади.

K_{a_0} коэффициентнинг қийматлари

Кескич кесувчи қисмининг материали	Коэффициент	Эслатма
Углеродли асбобсозлик пўлати . .	0,10	
Легирланган асбобсозлик пўлати		
9ХС	0,12—0,15	
Тезкесар пўлат Р18, Р9	0,25—0,30	
Р9К10	0,40—0,50	
Қаттиқ қотишмалар Т5К10	1,00	Пўлатни хомаки йўнишда
Т15К10Мо.	2,00	Пўлатни хомаки йўнишда
Т15К6	1,54	Пўлатни чала тозалаб йўнишда
Т30К4	2,15	Пўлатни тозалаб йўнишда
ВК6	1,00	Чўянни йўнишда
ВК8	0,83	" "
ВК8Мо	1,40	" "
ВК2, ВК4	1,20	Чўянни тозалаб йўнишда
Минералокерамика ЦМ332	1,5—2,0	Чўянни тозалаб ва чала тозалаб йўнишда
" "	1,1—1,3	Пўлатни тозалаб ва чала тозалаб йўнишда



Шакл-7. Кесиш чуқурлигини ўзгаришини кесиш энига таъсири




Шакл- 8. Суриш қийматларини ва кесиш чуқурлигини кесик кўндаланг кесими шаклига таъсири

3.3. Кесувчи асбоб материали ва ишлов берилаётган материалнинг кесиш маромларига таъсирини асослаш

Ҳар бир ишлов беришда юза тозалигининг (R_z , R_a) катталигини аниқлашга тўғри келади. Қора йўнишда детал юзасининг тозалиги $R_z = 80-150$ мкм, юпқа йўнишда $R_z = 6-10$ мкм, тоза жилвирлашда $R_z = 5-10$ мкм, хонинглашда $R_z = 1-3$ мкм бўлади. Тиғли асбоблар билан ишлов беришда суриш миқдори ва кесиш тезлигининг юза тозалигига таъсири катта эканлиги тажрибаларда исботланган.

Суриш миқдорининг юза тозалигига таъсири эгри чизиқли бўлиб, қуйидаги расмда тасвирланган.



9- Расм. Суриш миқдори ва кесиш тезлигининг юза тозалигига таъсири.

Расмдан кўриниб турибдики, суриш миқдори ортиши билан юза тозалиги ҳам ортиб боради.

Конструкциян пўлатлар учун юза тозалиги кесиш тезлиги билан эгри чизиқли боғланган бўлиб, 1- расмда тасвирланган. Кесиш тезлиги 30 м/мин дан ортиб борган сари юза тозалигининг қиймати кичиклашиб боради. Кесиш тезлиги 20-30 м/мин бўлганда кесувчи асбоб ёнида ўсимта ҳосил бўлиб, юза тозалиги максимал катталиқка эришади. Дастгоҳ – мослама – асбоб – детал (ДМАД) системасида кесиш тезлигининг кўтарилиши вибрациянинг ортишига олиб келади бунинг натижасида ишлов берилаётган материалнинг юза тозалиги ҳам ўзгаради.

